



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 125 (12.686)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида sanoatни ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида юртимизда маҳсулотларни қайта ишлаш, юқори қўшимча қийматга эга тайёр товарлар ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб бораётир.

ҚУЛАЙ САРМОЯВИЙ МУҲИТ САМАРАСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 17 августдаги Қарори-га мувофиқ ташкил этилган «Global Komsco Daewoo» корхонаси ана шундай изчил чора-тадбирлар самарасидир.

Янгийул туманида фаолият олиб бораётган мазкур корхона тўла Жанубий Корея сармояси асосида тузилган. Бу ерда илғор технологиялар асосида пахта целлюлозаси ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотдан турли тармоқларда, хусусан, қўғоз sanoatида кенг фойдаланилади.

Франция, Жанубий Корея ва Хитойдан келтирилган замонавий ускуналарда тайёрланаётган юқори сифатли, рақобатбардор маҳсулотлар харидорлар ишончи қозониб улгурган. Маҳсулотларнинг асосий қисми Жанубий Корея, Хитой, Индонезия, Германия, Франция, Нидерландия, Италия, Россия, Беларусь каби қатор мамлакатларга экспорт қилинади.

— Жаҳон бозоридида харидоригр бўлган Ўзбекистон пахтаси маҳсулотларининг юқори сифати таъминламоқда, — дейди «Global Komsco Daewoo» корхонаси департамент директори Ким Вон Сук. — Ўзбекистонда хорижий ишбилармонлар фаол ва муваффақиятли бизнес юритиши учун барча шароит, қулай сармоявий муҳит яратилган. Корхонамиз 2017 йилгача даромад солиғи,

мол-мулк солиғи, Республика йўл жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлардан, шунингдек, баъзи бож тўловларидан озод этилган. Ўзбекистонда муваффақиятли иш юритиш учун энг катта омил — бу мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикдир. Ўзбекистондек тинч, фаровон, изчил ривожланиб бораётган мамлакатда иш юритаётганимиздан хурсандмиз.

«Global Komsco Daewoo»да ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб бораётир. Мисол учун, 2013 йилда ушбу корхона томонидан 5,5 минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 8 минг тоннадан ошириш режалаштирилган. Маҳсулот сифатини назорат қилиш энг замонавий ускуналар ва ёрдамчи воситалар билан жиҳозланган махсус лабораторияда амалга оширилмоқда.

Корхонада 250 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Улар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган, «устоз-шогирд» аъёнлари асосида ёшларга сабоқ бериш йўлга қўйилган.

— Тошкент автомобиль йўллари қасб-хунар коллежини тамомлаб, мазкур корхонага ишга жойлашдим, — дейди ёш мутахассис Сардор Алметов. — Ана шундай илғор корхонада меҳнат қилаётганимдан хурсандман. Келгусида

қўшни давом эттириб, етук мутахассис бўлиш, мамлакатимиз sanoati равангага ҳисса қўиш ниятидаман.

Корхона жамоасининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Уларнинг юксак интеллектуал салоҳияти «Global Komsco Daewoo» фаолиятининг изчил ривожланишига кўмаклашмоқда.

Корхона жамоаси келгусида жаҳон бозоридида талаб юқори бўлган лиоцелл толаси ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Дунёнинг sanoati давлатларида тайёрланадиган ушбу маҳсулот тури ўта чидамли бўлиб, sanoatнинг турли тармоқларида кенг қўлланилади. Ундан, хусусан, автомобилсозлик ва тўқимачилик sanoatида фойдаланишнинг самараси юқори.

Мамлакатимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар чет эллик ишбилармонлар билан, хусусан, Жанубий Корея бизнесменлари билан ҳамкорликда қўллаб-қўллашнинг муваффақиятли амалга оширилишига, иқтисодиётимизнинг янада юксалиб, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири
Муҳаммад Амин олган
суратлар

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Пойтахтимизда ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан самарали ҳамкорлиги масалаларига бағишланган семинар-тренинг бошланди.

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури кўмагида ташкил этилди.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг жорий босқичида оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш мамлакатимизни янада демократлаштириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялаштириш, жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, Президентимиз Ислам Каримов томонидан илғари сурилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишнинг самарали механизмларидан биридир.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директорининг ўринбосари А.Ҳамдамов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И.Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларининг ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

Тошкентда «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш — жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг устувор йўналиши» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ҳамкорлигида Германиянинг К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги жамғармалари, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Европа Иттифоқининг «Қонун устуворлиги платформаси — Марказий Осиё» лойиҳаси, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси ва бошқа халқаро ташкилотлар кўмагида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, иқро ва суд ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Германия, Словения, Россия, Болгария ва бошқа давлатлардан экспертлар иштирок этди.

Конференцияда одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларини амалга оширишнинг миллий ва хорижий тажрибаси, Ўзбекистон ва хорижий давлатларда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва бу борада ахборот-таълим фаолиятининг замонавий моделини яратиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илғари сурилган қонун устуворлиги, ҳокимиятнинг тармоқларга ажратиш, шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш принциплари мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар асосини ташкил этиши таъкидланди. Бунинг самарасида мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришда салмоқли натижаларга эришилди, мамлакатимизни жадал ривожлантириш шартлари ва халқаро ҳуқуқ стандартларига мос қонунчилик базаси яратилди. Мазкур қонунчилик базасининг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни кафолатлайдиган қатор қонун ҳужжатлари ташкил қилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ суд ҳокимияти мустақил ҳокимият тармоғи бўлиб, қонунийлик ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш унинг асосий принциплари. Шунга биноан 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни янги тахрирда қабул қилинди, бошқа қонунларга, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Фуқаролик кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу тариқа суд тизими иқро ҳокимиятининг назорати ва таъсирдан чиқарилди. Судья лавозимига номзод тақдим этиш, судьялар ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан аввал бекор қилиш, уларга нисбатан интизом жазосини тайинлаш Адлия вазирлиги ваколатларидан чиқарилди.

Бундан ташқари, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, хусусан, суд тизими учун кадрлар масалалари билан махсус орган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси шугулланмоқда. Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма — Суд қарорларини иқро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Бу эса судларни уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада озод этди ва диққат-эътиборни одил судловни амалга оширишга қаратиш имконини берди.

Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб, ўлим жазосининг бекор қилингани муҳим аҳамият касб этди. «Хабас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципал қадамдир. Мазкур институтининг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлди.

2001 йилдан бошлаб, ҳуқуқий қўллаш ва суд амалиётига ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият юритмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий ҳаётда бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарини тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтининг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг бағрикенглиги ва кечиримлилиги каби ноёб фазилатларига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти кўзда тутилган. Уларга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш, ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир доира-сида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ва ҳудудий ННТларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

• Гулистон шаҳрида «Ҳамшира — 2014» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, ҳамширалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• «Юрт келажиги» республика кўрик-танловининг мамлакат босқичида Навоий вилоятдан 48 нафар иқтидорли ёш иштирок этади. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган танловда 460 нафар истеъдодли ёшнинг архитектура ва дизайн, либослар дизайни, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни такомиллаштириш, ахборот технологиялари ва рационализаторлик, техник лойиҳа ва ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва журналистика йўналишларидаги ишлари кўриб чиқилди.

• Экологанда ёшларнинг тиббий ва экоматик маданиятини ошириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



• 2017 йилда «Space Adventures» (АҚШ) хусусий космик компанияси Ойга дастлабки туристик парвозни амалга оширади. Ушбу саёҳатнинг нархи бир киши учун 150 миллион АҚШ доллари қилиб белгиланган бўлиб, компания раҳбари Том Шеллинг айтишича, ҳозирнинг ўзида икки нафар одам шунча миқдордаги маблағни тўлашга тайёрлигини билдирган.

• Германиянинг спорт кийимлари ва инвентарлари ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур «Adidas» компаниясининг жорий йилдаги савдо айланмаси бутун фаолияти давомида илк бор 2 миллиард евродан ошади. «Adidas»нинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланишида шу кунларда Бразилияда футбол бўйича бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатининг таъсири низоҳатда катта. Чунки у мундаль ҳомийси ҳисобланади.

• Япония фойда солиғи ставкаси юқорилиги бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Жумладан, бу борада мамлакатда жорий этилган тўлов миқдори қарийб 35 фоизга тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич, ҳатто кескин солиқ сиёсати юритиладиган Франциядаги ставкадан 2 фоиз кўп.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА**
«Ночор корхоналарни соғлом-

лаштиришда банкларнинг ўрни» деб номланган матбуот анжумани уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Фафур Фулом но-

мидаги маданият ва истироҳат боғида «Барҳаёт сиймолар» мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **«ТУРКИСТОН»** саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро экспертлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар, чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) ролини юқори баҳолади. Тадбирда ушбу институтнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдаги иштирокига бағишланган маъруза тингланди. Парламент омбудсмани Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ва бошқа ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилади.

– Ўзбекистонга илк бор келишим бўлса-да, мамлакатнингизда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш даражаси тўғрисида кенг тасаввурга эга бўлдим, – дейди Хитойнинг инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамияти вакили, Хитой ижтимоий фанлар академияси Халқаро ҳуқуқ институти оммавий халқаро ҳуқуқ бўйича тадқиқот бошқармаси директори Сун Шиян. – Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасалар, Конституциявий суд, ўлим жазосининг бекор қилингани, «Хабас корпус» демократик институтининг жорий этилгани менда алоҳида таассурот қолдирди. Мамлакатингизнинг халқаро экспертлар ҳамжамияти билан ҳамкорлиги ҳам диққатга сазовор. Бундай ҳамкорлик Хитой билан ҳам изчил ривожланишига ишонаман.

Конференция қатнашчиларининг чиқишларида Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва эркинлаштиришда янги босқични бошлаб бергани юксак баҳоланди. Ушбу дастурий ҳужжатда жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чоралар ҳам белгиланган.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари мазкур Концепцияда белгиланган берган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ мамлакатимизда миллий қонунчиликни такомиллаштириш ишлари изчил давом эттириляпти. Утган давр мобайнида шахсининг ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ўндан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, мамлакатимиз парламенти томонидан «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат суриштирув ва дастлабки тергов пайтида суд назоратини қўйиштириш, «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини амалга оширишни таъминлаш имконини бери.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчилигидан суднинг жиноий иш қўзғатиш, бундай иш юзасидан айблов ҳулосасини эълон қилиш ваколати чиқарилди. Бу эса суднинг ҳолислиги, бетарафлигини таъминлаш, жиноят процессида тортишув принципини қўйиштиришга ёрдам берди. Дастлабки тергов босқичида суд назорати қўйиштирилди. Лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги бундай чораларни қўллашнинг ҳуқуқи судларга ўтказилди.

– Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда суд тизими мустақиллигини таъминлаш борасида кенг қўламли ислохотлар самараларининг гувоҳи бўлмоқдам, – дейди АҚШ округ судининг Миннесота штати округи бўйича федерал судьяси Жон Танхайм. – Энг муҳими, бу жараёнда судьялар мустақиллиги ва бетарафлигига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жиноят сиёсатини эркинлаштириш соҳасида Ўзбекистон эришяётган ютуқларни ҳам қайд этишни истардим. Бу қамқоқда сақланаётган маъбуслар сонини камайтириш имконини бермоқда. Бу қўллаб мамлакатлар, жумладан, бундай ёндашувни қўллаш режалаштириляётган АҚШ учун ҳам намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Конференцияда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари-

нинг ташкилий-таркибий тузилишини оптималлаштириш ва уларнинг фаолиятини жиноятчиликка қарши курашнинг устувор йўналишларига қаратиш орқали ушбу органлар тизимини такомиллаштириш соҳасида ҳам Ўзбекистон таърибаси кўриб чиқилди. Тадбирда сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунчиликни таъминлаш, биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ этиш бўйича қонунларнинг сўзсиз бажарилишини, демократик ислохотларни илгари суриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлайдиган кенг қўламли ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

2012 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»-ги қонунни жиноятлардан огоҳлантириш, уларнинг ўз вақтида олдини олиш чоралари самарадорлигини, суриштирув ва дастлабки тергов сифатини ошириш, ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, биринчи навбатда, Ички ишлар вазирлиги органлари фаолиятини янада эркинлаштиришни таъминлашга ёрдам бермоқда. Ушбу ҳужжатда жиноятчиликка қарши курашишда иштирок этадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматларнинг ваколатлари, мазкур фаолиятини амалга оширишда устувор йўналишлар аниқ белгиланган ва бу жиноятчиликка қарши самарали курашиш имконини бераётган. Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий сарҳадлари, биринчи навбатда, жиноятларнинг олдини олишга қаратилган.

ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

Парламентимиз томонидан жорий йилнинг апрель ойида қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»-ги қонун бу борада муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш субъектлари ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, бу борада тизимли ва тартибли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини тартибга соладиган қўллаб ҳуқуқий нормаларни унификация қилишга қаратилган.

Конференция доирасида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганишга бағишланган маъруза тингланди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари шуни кўрсатдики, сўров иштирокчилари аксариятининг фикрича (91,3 фоиз) мамлакатимиз аҳолиси давлат ва жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш билан боғлиқ ижобий ўзгаришларни хис этмоқда. Фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан турли жиноятларга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги ютуқлари алоҳида таъкид қилинди. Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги Индексини эълон қилган «The World Justice Project» мустақил халқаро ташкилотининг йиллик маърузаси тақдимида бўлди. Бу борадаги вазиятни дунёнинг 99 мамлакатидида баҳолашнинг «Тартиб ва хавфсизлик» босқичи бўйича «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти тўғрисида»-ги қонун халқаро экспертларнинг баҳо-хосига қўра, Ўзбекистон жиноятчиликка қарши кураш, сиёсий ўзравонлиқнинг олдини олиш, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги, мустақил суднинг мавжудлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали фаолият кўрсатиши каби йўналишларда қонун устуворлигининг асосий кўрсаткичлари ва бошқа омиллар бўйича беш етакчи мамлакат қаторидан жой олган.

– Ўзбекистонда бир неча йилдан буюн ишлайман ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар би-

лан яхши танишман, – дейди Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга қўмаклашиш» лойиҳаси раҳбари Том Паттерсон. – Ўзбекистон бу жараёнга жиддий эътибор бераётгани ва бу борада нафақат қонун ҳужжатларини қабул қилиш, балки уларнинг ҳаётда ижросини таъминлашга асосланган изчил ёндашувдан фойдаланаётганини таъкидлашни истардим. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу жараёнда адлия, ички ишлар, прокуратура органлари ва Олий суд фаол иштирок этмоқда. Соҳадаги ислохотлар наинки миллий даражада тўпланган билимлар асосида, балки халқаро тажриба ва жаҳондаги энг яхши амалиёт инобатга олинган ҳолда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур конференцияда қўллаб халқаро экспертларнинг иштирок этгани ҳам шундан далолат беради.

Экспертларнинг таъкидлашча, ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимни яхшилаш тинчлик-осойишталикни асраш, жамиятни янада инсонпарварлаштиришда юқори марраларга эришиш имконини бермоқда. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият асоси ва ҳуқуқий тизим такомиллашяётганининг кўрсаткичидир.

Конференцияда Ўзбекистонда ҳуқуқий таълим ва маърифатни тубдан яхшилаш, жамиятда ҳуқуқий билимни тарғиб қилишга қаратилган самарали чоралар қўйиляётгани қайд этилди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида таълимнинг барча босқичлари – мактабда таълимдан олий таълимгача, шунингдек, давлат хизматчиларининг малакасини оширишни ўз ичига олган миллий тизим яратилди. Узлуқсиз ҳуқуқий таълимнинг чуқур ва пухта ўйланган услуб ва услубияти, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим билан шуғулланадиган махсус тизимлар (кафедралар)ни ташкил қилиш, тегишли адабиётларни чоп этишни кўзда тутадиган кенг қўламли ахборот тизимини шакллантириш ушбу миллий тизимнинг асосий принципларидандир. Бу жараёнда Тошкент давлат юридик университети алоҳида ўрин тутайди.

– Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий маданият, таълим, маънавият ва тарбия даражасининг юқорилиги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни ривожлантиришга ёрдам беради, – дейди Германия тижорат суди судьяси Штефан Граф Финк фон Финкенштайн. – Ўзбекистонда бунга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунга мамлакатимиз Конституциясига киритилган, фуқароларнинг давлат ва жамият ишида янада фаол иштирок этишини таъминлайдиган тузатишлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигига ёрдам берадиган қонунларнинг қабул қилинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, демократлаштириш борасидаги навбатдаги қадамлардир.

Парламентимиз томонидан шу йил қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»-ги қонун мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни тубдан яхшилаш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилий-ҳуқуқий механизмлардан халқардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур қонун Ўзбекистонда илк бор ўтказилган ҳуқуқий эксперимент натижалари асосида ишлаб чиқилди.

Бунинг самарасида ўтган даврда фуқароларнинг ижтимоий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди. Бу мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни муваффақиятли давом этаётганидан далолат беради. Халқаро экспертларнинг фикрича, мамлакатимизда қабул қилинаётган комплекс чора-тадбирлар давлат ва жамиятни изчил янгилаш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш жараёнини кенгайтириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда ва Ўзбекистон демократик тараққиёт тарафдори эканининг ёрқин исботидир.

Конференция якуни бўйича қабул қилинган тавсияларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани қайд этилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ҳаётга татбиқ этилиши ахборот соҳасини ислоҳ этишнинг мантқий давоми бўлди. Ушбу ислохотлардан қўламли асосий мақсад оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш ва мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, улар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник қўллаб-қувватлашни қўйиштириш, ижтимоий фаоллигини оширишдир.

Семинар-тренингнинг дастлабки кунинда иштирокчилар давлат органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш соҳасидаги миллий мейёрий-ҳуқуқий база, шунингдек, аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари билан таништирилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 6 майда қўйилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»-ги қонунининг мақсад ва вазифалари, асосий қоидаларини қўриб чиқишга алоҳида эътибор берилди.

Иштирокчиларга мамлакатимизда «электрон ҳуқуқат» тизимини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ҳам маълумот берилди. Айни пайтда мейёрий-ҳуқуқий ва методологик база такомиллаштириляётгани, ахборот хизмати кўрсатишнинг ягона стандартлари жорий этиляётгани таъкидланди. Масалан, ўтган йили 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу дастур аҳолининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларни электрон шаклда амалга оширишни таъминлаш, давлат бошқаруви тизимига «Ягона ойна» тамойилини жорий этиш каби вазифаларни ўз ичига

олган. Шунингдек, дастурда «электрон ҳуқуқат» тизимининг маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплексини яратишга доир тадбирлар ҳам белгиланган.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига «Ягона ойна» тамойили бўйича интерактив давлат хизматларини тақдими этаётган Ягона интерактив давлат хизматлари портали шундай комплекслардан биридир. Тадбир қатнашчиларига порталнинг функционал имкониятлари, шунингдек, давлат органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик жараёни ҳақида сўзлаб берилди.

Тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган тизимли мониторинг жараёналари натижалари тингланди, давлат бошқаруви органларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлиги бўйича экспертлар фикри эълон қилинди. Чунончи, 2013 йил ва жорий йил биринчи чораги якунига қўра, давлат органлари томонидан уч юзга яқин матбуот анжумани ўтказилди, етакчи мутахассисларнинг телевидение орқали тўрт юзта чиқиши ташкил этилди.

Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимликларининг Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури техник қўмағида ташкил этилган ахборот хизматларининг тақдими ҳам ўтказилди. Ушбу хизматларнинг самарали фаолият кўрсатиши натижасида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида аҳоли халқардорлиги сезиларли даражада ошмоқда.

Семинар-тренингнинг иккинчи кунини тадбирнинг амалий қисми бўлиб ўтади. Унда давлат органлари расмий веб-сайтларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, шунингдек, «электрон ҳуқуқат»нинг жорий этиш орқали давлат бошқаруви тизимини фаол ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

(ЎзА)

Партиялар фаолиятидан УСЛУБҲИ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнлар, ислохотлар самарадорлигини таъминлашда аҳолининг сиёсий фаоллиги, фуқароларнинг юртимиз сиёсий-иқтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини янада кенгайтиришга қатъий эътибор қаратишмоқда. Бунда албатта партия ташкилотлари ролини қўйиштириш алоҳида ўрин тутайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида «Депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сиёсий партиялар ҳудудий ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида депутатликка номзодлар тайёрлаш ва кўрсатишнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг тегишли ҳудудларда аниқ иқтисодий ва ижтимоий масалалар ечимини иштироки, сиёсий партиялар ҳудудий ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида депутатликка номзодлар тайёрлаш ва кўрсатиш каби бир қатор хайрли мақсадлар қўзғалди.

Семинарда сўз олган ЎзАДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари М. Аҳмедбекова, ФЖШМКИ шаҳар ҳудудий бўлими раҳбари ўринбосари Р. Саидов халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Н. Эшметова, С. Бобоқулов ва бошқалар ХДП гуруҳининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги фаолиятининг амалдаги ҳолати, маҳаллий Кенгашларда ижтимоий муҳим масалалар ечимини бўйича муқобил лойиҳаларни илгари суришда партиялараро рақобат қўйиштиришнинг ўзига хос хусусиятини, партия доимий электоратининг ўзоқ муддатли ижтимоий манфаатларини ва талабларни аниқлашдаги восита сифатида депутатларнинг ўз сайлов округларида тизимли самарали фаолиятини методик ва амалий жиҳатлари ҳамда бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш учун депутатликка муносиб номзодлар захирасини шакллантириш масалалари бўйича фикр юритилган ва атрафлича муҳокама қилилган.

Шунингдек, тадбирда партиянинг сайловолди дастурий мақсадлари ва доимий электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий аниқ ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда иштирокчилар «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари партия гуруҳи аъзолари томонидан партия электорати вакилларида келиб тушадиган муносабатларини давлат бошқаруви органи мансабдор шахсларга муножаат этиш бўйича қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқ ва ваколатларини амалий ижроси», «Партия гуруҳларининг тегишли Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар муҳокамасига аниқ ижтимоий масала ечимига қаратилган партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларини акс эттирувчи қарор лойиҳаларини тайёрлаш ва киритиш» мавзулари бўйича тренинг ва ҳолатий вазифалар ечимини ҳам фаол иштирок этдилар.

Тадбирда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ишлаб чиқилган «Сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим масалалари»га доир услубий тавсиялар қўлланмаси тақдими бўлиб ўтди.

Мargarita АХМЕДБЕКОВА,
ЎзАДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари

ОДАМ САВДОСИ – ДАВР МУАММОСИ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Тошкент шаҳар ва Яккасарой туман Кенгашлари ташаббуси билан Яккасарой туман ҳокимлигида «Одам савдоси ва жиноятчиликнинг ҳамда ВИЧ, ОИТС инфекциясининг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ва партия фаоллари иштирок этишди.

Давра суҳбатидида сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпулат Матиев дунё йигирма биринчи асрга қадам қўйган, озоодлик ва демократия барча минтақаларда мустақамланаётган бир пайтда юз минглаб эркаклар, аёллар ва болалар меҳнатидан фойдаланиш, уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ва уларнинг аъзолари эвазига фойда олаётган қимсаларнинг борлиги афсусланарли ҳолат эканлиги ҳақида фикрларини билдирди ўтди.

Таъкидланганидек, одам савдоси бутун ер юзи бўйлаб қўллаб-қувватланган қамраб олган бўлиб, ушбу жиноят трансмиллий характерга эга экани боис, унинг олдини олиш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва айбдорларни жазолаш учун барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж сезилмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш, бу борада аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар орасида тарғибот ишларини олиб боришда нафақат ички ишлар идоралари, балки жамоат ташкилотлари қаторида Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўзининг «Еш адолатчилар» ва «Аёллар қаноти» ҳамда ҳудудий ташкилотлари орқали жойларда ушбу жиноятчиликка қарши курашиш борасида кенг қамровли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ВИЧ, ОИТС инфекциясининг олдини олиш билан боғлиқ қўзда тутилган масалалар партия Дастури ҳамда сайловолди платформасидаги бир қатор муҳим вазифалар, хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, профилактика ишлари даражаси ва тиббий хизматлар сифатини янада ошириш билан боғлиқ долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилгани билан узвий боғлиқ эканлиги қайд этилди.

Тадбир сўнгига қўрилган масала юзасидан тарғибот тадбирларини янада қўйиштириш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустақамлаш юзасидан партия фаоллари олдидаги вазифалар белгилаб олинди.

Бобир ОТАМУРДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
Матбуот котиби

ТАДБИРКОРЛИК – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан 2014 йилнинг ўтган 5 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан 167 та учрашувлар ўтказилиб, унда қатнашган 5957 нафардан зиёд тадбиркорлардан 1002 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, 170 нафар тадбиркорларга ёрдам кўрсатилиди. Жумладан, 5 нафар тадбиркорга 140 миллион сўмлик кредит, 2 нафар тадбиркорга ер ажратишда ва 46 нафар тадбиркорга янги фаолият ташкил қилишга ҳамда унинг Низомиини рўйхатга олинишда яқиндан ёрдам берилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар прокуратураси органларида жорий этилган «1007» рақамли ишонч телефони орқали жами 171 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан бевосита тадбиркорлар томонидан назорат қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноконуний аралашуви ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши юзасидан 40 та мурожаатлар бўлиб, уларнинг 16 таси қаноатлантирилган, 23 та мурожаатлар бўйича батафсил тушуниришлар берилган ва битта мурожаат аноним деб топилган.

Келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида ва ҳар томонлама қўриб чиқилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар қўрилмоқда.

Масалан, 2014 йил 22 май куни шаҳар прокуратураси «1007» рақамли ишонч телефонига «Дилшода-Музаффар» ХК раҳбари Д.Мухторова, унга тегишли бўлган Шайхонтоҳур тумани Бунёдкор қўчаси 8-г уйдаги савдо дўконининг электр энергияси асосида равишда электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан узилганлиги ҳақида мурожаат қилган.

Аниқланишича, 2014 йил 6 май куни «Чарх Камолон коммуналчи» ХУЖМШ раҳбари, Шай-

хонтоҳур туман электр тармоқлари корхонасига ариза билан мурожаат қилиб, «Дилшода-Музаффар» ХК томонидан электр энергиясидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз фойдаланиб келинаётганлигини билдирган. Электр тармоқлари корхонасининг юридик бўлими муҳандиси А.Артиков аризада кўрсатиб ўтилган ваҳларни текшириш жараёнида, «Дилшода-Музаффар» ХКда электр энергиясини етказиб бериш билан боғлиқ ҳужжатлар бор-йўқлигини текширмасдан, 2014 йил 20 май куни «Дилшода-Музаффар» ХКга қарашли савдо дўконининг электр энергияси узиб қўйилган. Бироқ, прокуратура томонидан «Дилшода-Музаффар» ХКнинг электр тармоқлари корхонасидан электр энергия етказиб бериш билан боғлиқ ҳужжатлари кўриб чиқилганда, барча ҳужжатлари мавжудлиги, қарзлари йўқлиги ва асоссиз равишда электр энергияси узиб қўйилганлиги аниқланди. Текшириш натижаси бўйича, Шайхонтоҳур тумани электр тармоқлари корх

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳрида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ҳаётга изчил жорий этилиши, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг таълим-тарбияси, касб-ҳунар коллежларини тугаллаган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, тиббий маданиятини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритишди.

Пойтахтимизда жорий йилнинг беш ойи давомида дастурда кўзда тутилган вазифалар ижроси учун 245,5 миллиард сўм ва 700 АҚШ доллари ўзлаштирилди. Белгиланган тадбирларни бажариш жараёнида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни керакли тиббиёт анжомлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахримиздаги бешта тиббиёт масканларида реконструкция ва қурилиш ишлари олиб борилди. Мактабгача таълим масканларини тубдан таъмирлаб, зарур ўқув жиҳозлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шахримизда 18 ёшгача бўлган болаларнинг 98 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилди. 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган қизларнинг 65 фоизи ультратовушли тиббий аппаратлардан ўтказилиши эса, балоғат ёшидаги қизларда учраши мумкин бўлган турли хил касалликларнинг олдини олиш имконини беради.

Шунингдек тадбирда, ёшларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимояланишида миллий қадриятларнинг ўрни бекиёслиги ҳақида ҳам фикр юритилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ёшларининг истиқболли келажагини ҳимоялаш, баркамол авлодни комил инсонлар қилиб вояга етказиш, уларни турли маънавий ҳуружлардан асраб, касб-ҳунарга йўналтириш, саломатликларини янада мустаҳкамлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлаш, бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Ёшлар учун, жуда кўплаб маънавият ва маърифат, маданият, санъат таълим масканлари, ахборот ресурслари марказлари барпо этилди ва улар энг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланди. Айни пайтда бу борада кенг қамровли ишлар амалга ошириб боришмоқда.

Иқтидорли ёшларни кўлаб-қувватлаш, кўмак бериш, муҳофазасини таъминлаш борасида ўтказилаётган тадбирлар негизда келажаги порлоқ ёшларимизнинг ёрқин келажаги, бахтли ҳаёти мўжассам.

Жумладан анжуманда ёшларнинг таътил кунларини мазмунли ўтказишни таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислохотлар кўлами, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар, ортирилган илғор тажриба, эришилаётган ютуқлар ва ечимини кутаётган вазифалар хусусида ҳам сўз борди.

Шунингдек, ёшларни мафкуравий иммунитетини кучайтиришда маънавий тарғибот ишларини олиб боришда шаҳар миқёсида ўтказилаётган тадбирларнинг ўрни бекиёслиги ҳам таъкидланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ЭНГ ЯХШИ БИЗНЕС ЛОЙИҲА

Тадбирдан кўзланган мақсад — олий ўқув юртлиги талабаларини инновацион бизнес лойиҳаларни амалга ошириш жараёнига жалб этиш, мамлакатимизда дастурий мақсулотлар саноати ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга кўмаклашишди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, «Алоқабанк» очик акциядорлик-тижорат банки бошқаруви раисининг ўринбосари Ш.Бахриддинов, Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Т.Тешабоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида барча жаҳонлар, жумладан, ахборот коммуникация-технологиялари соҳасида юқори маънавият кадрлар тайёрлаш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 26 мартда қабул қилинган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори шу мақсадга хизмат қилмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрларни ўқитишнинг миллий дастури ва стандартлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Фарғона, Урганч, Самарқанд, Қарши

Тошкент ахборот технологиялари университетида «Талабаларнинг энг яхши инновацион бизнес лойиҳаси» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ҳамда Нукус филиалларида 10 минг нафардан зиёд талаба саккиз йўналишда бакалаврият ва беш мутахассислик бўйича магистратура босқичларида таълим олмоқда. Ушбу ўқув муассасаларида талабалар зарур назарий билим ва амалий кўникмага эга бўлиши, истеъдод ва ижодий қобилиятини юзага чиқариши, илмий изланишлар олиб бориши учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, талабалар 49 давлат гранти, турли таъкилот ҳамда корхона билан имзоланган 64 ҳўжалик шартномаси бўйича ўтказилаётган амалий ва фундаментал тадқиқотларда иштирок этмоқда. Бунинг самарасида ўтган йили Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан дастурий мақсулотларга йиғирматаси муаллифлик ҳувоҳномаси ва янги ихтиро учун иккита патент олинди.

Иқтидорли талабаларнинг сўнгги ишланмалари «Талабаларнинг энг яхши инновацион бизнес лойиҳаси» танловида ҳам намоиш этилди. Ушбу танлов шартларига мувофиқ, бизнес лойиҳалари

янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасини оширишга қаратилган. Эксперт кенгашига 40 дан ортиқ инновацион лойиҳа ва ишланмалар тақдим этилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг учинчи босқич талабалари С.Комилов, Н.Шоймардонов ва тўртинчи босқич талабаси С.Бобокулов ғолиб, деб топилди.

— Университетимизда билим олиш, тадқиқот ва илм-фан билан шўғулланиш учун барча шароитлар яратилган, — дейди ЎЗА муҳбирига С.Комилов. — Дарсдан бўш вақтимиз лабораторияда ўтказаман. Бу ерда янги лойиҳаларни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш. Кичик бизнесни ривожлантириш имконини берадиган корхоналар даромадини тақсимлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш бўйича мен ишлаб чиққан гоа танловда ғолиб деб топилганидан хурсандман. Ушбу гоа яқин вақтлар ичида ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилади.

Роман БОНДАРЧУК

Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини қафолатлаш бўйича турли мутасадди муассасаларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, бу соҳада фаолият олиб бораётган давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти тизимини такомиллаштириш ҳамда уйғунлаштириш борасида олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар келажақда ҳимояга муҳтож бўлган болаларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда уларнинг самарали ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ

Хусусан, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилишида шу ҳақда сўз борди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Адлия вазирликлари, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жағмармаси, Касаба уюш-

малари федерацияси кенгаши, Олий суд, «SOS-болалар маҳаллалари» уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ ва бошқа ташкилотларнинг мутасадди вакиллари қатнашди.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Васила Алимова ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини қафолатлашнинг самарали тизими яратилганини таъкидлади.

Тадбирда қайд этилганидек, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига ўзликни англаш, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улғу аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириш, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаш ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш маънавиятимизни асрашнинг муҳим омили эканини таъкидлаган.



Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ўтказилган «Юксак маънавият авлод» республика ижодий фестивалида иштирокчи ёшларнинг бу борадаги фикри, позицияси, қарашлари яна бир қарра таҳлил этилди. Муҳимий номдаги ўзбек давлат мусикали драма театрида мазкур фестиваль ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Қуронбоев ва бошқалар мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ибратли анъана ва қадриятларимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, баёбах маънавий меросимизни пухта ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш Президентимиз Ислам Каримов томонидан изчил, узокни кўзлаб олиб борилаётган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Таълим-тарбия, маънавий-маърифий, маданият ва санъатни раванқ топтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар фикри соғлом, юксак интеллектуал салоҳият, қалби ва онгида ватанпарварлик, фидойилик, истиқлолга садоқат гоаялари мустаҳкам қарор топган авлодни камолга етказишдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори навқирон авлод маънавий-ахлоқий тарбиясига оид ишларни янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг онгу шуурини турли мафкуравий таҳдидлардан ишончли тарзда ҳимоялашга оид ишларни замон руҳи билан ҳамнафас тарзда йўлга қўйиш имконини бермоқда.

«Юксак маънавият авлод» республика фестивалидан

кўзланган асосий мақсад ҳам бу йўналишдаги амалий ишларни атрофлича таҳлил этиш, галдаги долзарб вазифалар ҳақида ўзаро фикрлашиб олишдир.

Фестивалнинг финал босқичида иштирокчилар «Президент асарлари билимдони», «Энг янги тарих билимдони», «Ватан куйчиси», «Бадийий ижод», «Энг иқтидорли хунарманд», «Ўз асарига миллийликни акс эттирган рассом», «Ўз асарига миллийликни акс эттирган дизайнер», «Юксак маънавият авлод» каби номинациялар бўйича билимларини намоиш этди. Айни пайтда таълим масканлари, маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия тарғибот-тушунтириш ишлари атрофлича муҳофаза этилди.

— Икки кун давомида маънавият, бадийий ижод бўйича ўз билим ва маҳоратимизни намоиш этдик, — дейди Термиз давлат университетининг кимё факультети 3-курс талабаси Азиза Холбоева. — Жонажон Ўзбекистонимиз маънавий янгилаш, маънавиятга эътибор борасида дунёнинг кўплаб давлатларида намуна бўлаётди. Бу йўналишдаги эзгу интилишлар замирида ёшларнинг буюк аждодларимизга, жонажон Ватанимизга, халқимизга муносиб ворислар бўлиб вояга етишдек эзгу мақсадлари мўжассам эканини теран англаб етдик.

Тадбирда «Юксак маънавият авлод» ижодий фестивалининг ғолиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокида концерт намоиш этилди.

Фестиваль ғолибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,

ЎЗА муҳбири

Аскар Ёкубов олган сурат

ЁШ ИҚТИСОДЧИ ОЛИМЛАР ФОРУМИ

Пойтахтимизда ёш иқтисодчи олимларнинг форуми бўлиб ўтди.

Унда олий ўқув юртлигида тахсил олаётган ҳамда фаннинг турли тармоқларида илмий изланишлар олиб бораётган иқтидорли ёшлар иштирок этишди. Шуниси қувонарлики, иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб бораётган бўлғуси олимларнинг маърузалари ўқитувчиларда илиқ таассурот уйғотди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 29 июль кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Яққасарой туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 26 ноябрь кунги 10-1308/6040-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Ракат (аввалги Ш.Абдуллаев) кўчаси, 57-уйда жойлашган, умумий ер майдони 584 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 668 кв.м. бўлган, 1 ва 2 қаватли офис бинолари. Бошлангич нархи — 481 250 000 сўм.

2. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан, ФИБ Шайхонтоҳур туманларо судининг 2013 йил 22 апрель кунги 1-728/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 235 кв.м. бўлган, бир қаватли бинонинг ертўла қўсимдаги ресторан. Бошлангич нархи — 260 000 000 сўм.

2014 йил 15 июль кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 август кунги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 11/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 16-савдо дўкони. Бошлангич нархи — 52 756 200 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 кв.м. бўлган 20-савдо дўкони. Бошлангич нархи — 52 756 200 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 22 «В»-уйда жойлашган, блок «Б», умумий майдони 1288 кв.м. бўлган, 2 қаватли, «Автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш, савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси». Бошлангич нархи — 1 581 570 900 сўм.

II. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрь кунги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 355 817 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 156 925 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501 кв.м. бўлган, 5 та хонадан иборат уй-жой. Бошлангич нархи — 362 031 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобой кўчаси, 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м. бўлган 2 қаватли уй-жой. Бошлангич нархи — 1 900 129 000 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 185 948 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, 1-тор Мирҳосилбой кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 315 873 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 353 568 000 сўм.

8. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шалопла кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 202 844 000 сўм.

9. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 348 190 000 сўм.

10. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 280 707 000 сўм.

III. Чилонзор туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 июнь кунги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотуравр жой. Бошлангич нархи — 2 196 831 600 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган нотуравр жой. Бошлангич нархи — 2 246 370 300 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида беёвосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларига иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич нархининг 10% микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи коллеж раҳбар муовинлари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари.
— Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.
— Касб таълими бўйича директор ўринбосари.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.
Телефон: 252-23-35

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 11 ноябрда №680-сон билан қўйилган ўтган Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 25-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Автомобиллар ва йўлларнинг ҳимояси Тошкент шаҳар Кангаш ҳўзирдаги Мирзо Улуғбек туман кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Автомобиллар ва йўлларнинг ҳимояси Тошкент шаҳар кенгашининг 2014 йил 20 июндаги №1 сон бўйруғига қўра тўлатилди.
Даволар эълон нашр қилинган кундан 2 ой мўддат давомида Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 25-уй манзили бўйича қабул қилинади.
Тел:128-50-10.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунин соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Аёл Абдуллаев (ЎЗА) олган суратлар

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнглини кўтариш, ғамхўрлик қилиш, маънавий-маданий ҳордиқ чиқаришларига кўмаклашиш ва рағбатлантириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан «Соғлом бола кулгуси дунёни тўлдирсин» деб номланган хайрия акцияси ўтказилди.

«Камолот»

БОЛА КУЛГУСИ ДУНЁНИ ТЎЛДИРСИН

Тумандаги 66-маҳсус ихтисослаштирилган ёрдамчи ҳамда 4-сонли ихтисослаштирилган маҳсус мактабларнинг тарбияланувчилари учун акция доирасида тадбир ташкил этилди.

— Ҳар сафар болажонларнинг кўзларидаги қувончни кўриб, бор чарчоқларни унутиб, ўзимда янги кучни ҳис қиламан, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдидинов. — Албатта бундай акцияларни мунтазам равишда ташкил этишни режалаштирганмиз.

Байрам акциясига янада кўтаринки кайфият улашиш мақсадида «Камалак» юлдузлари» тан-

лови ғолиблари, «Орзу» болалар гуруҳи ва истеъдодли хонандалар ҳамда тумандаги 201-умумтаълим мактабининг иқтидорли ўқувчи-ёшлари таклиф этилиб, иштирокчиларга концерт дастури намойиш этилди.

Мазкур тадбирга Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими, Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси вакиллари ҳамкорлик қилиб, ўз хиссаларини қўшишди.

Тадбир сўнггида ҳамкор ташкилотлар томонидан барча тарбияланувчиларга эсдалик совғаси сифатида ўқув қуроллари топширилди.

Зафар НАЗАРОВ

Танловлар

ЮРТ КЕЛАЖАГИ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Мамлакатимизда ёш истеъодларни кашф этиш, уларга ўз қобилиятини намоён қилиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб боришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни бекиёс.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда ўсиб, вояга етатган авлодни ҳар томонлама тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашлари-га кўмак бериш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида шахримизда «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика танловининг туман босқичи ташкил этилди.

Танловда 15-25 ёшгача бўлган ёшлар қатнашди. Хозирги кунгача танловда Тошкент шаҳри бўйича 9137 нафар ёшлар иштирок этиш истагини билдирган. Танлов куйидаги архитектура ва дизайн, либослар дизайни, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва журналистика йўналишлари бўйича ўтказилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган танловнинг Шайхонтоҳур туман

босқичи Тошкент Архитектура қурилиш институтида ўтказилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан ташкил этилган танловда 270 нафар фаол ёшлар ўз қўл меҳнати ва ижодий ишлари билан қатнашдилар.

«Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар республика танловининг ҳамда туман босқичи ҳамда қурилиш касб-хўнара коллежида бўлиб ўтди. Танлов бешта йўналиш ва ўн олти номинация бўйича ўтказилди.

— Мазкур танловда мунтазам равишда қатнашиб келаман, — дейди тумандаги 156-мактаб ўқувчиси Азиз Аҳмедов. — Мен тасвирий санъат йўналишида қатнашдим. Бу танловда она юртимизнинг гўзал табиятини тасвирладим.

Танловнинг туман босқичида номинациялар бўйича энг юқори натижаларга эришган иштирокчилар сертификат, диплом ҳамда эсдалик совғалар билан рағбатлантирилди ҳамда шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Зиёда СУСУЛОВА

Ёз — ўтади соз

ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА ТУҲФА

Шу боис ҳар йили пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғлари ёзги мавсумга шай ҳолатга келтирилади. Боғларда янгидан янги аттракционлар болажонлар хизматида бўлади. Шуниси қувонарлики, боғларда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари, мусобақалар уюштиришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Яқинда Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида янги сузиш ҳавзаси ўз

Ёзнинг иссиқ, жазирама кунлари шахримиздаги маданият ва истироҳат боғлари аҳолининг, айниқса, болажонларнинг мириқиб дам оладиган сеvimли масканига айланади.

фаолиятини бошлади. Барча қулайликларга эга бўлган ушбу ҳавзада 200 нафар болажонлар сузиш сирларини ўрганиш имкониятига эга бўлишади. Ҳав-

зада болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида кузатув камералари ҳам ўрнатилган.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Халқимиз қадимдан чой ичишга одатланган. Бунинг сабаби шуки, чойнинг фақат чанқоқни қондиришдан ташқари, организмга бир қатор фойдали тарафлари кўп.

Жумладан, чой одамнинг ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятини яхшилайди. Бош мия, юрак, жигар ва буйрак томирларини кенгайтиради. Меъда ва ичакда овқат ҳазм бўлишини яхшилайди. Чой иссиқ иқлим шароитида тана ҳароратини мўтадиллаштиришга ёрдам беради. Чой ичакдаги касаллик кўзгатувчи микробларга қаршилик кўрсатиш хусусиятига ҳам эга. У одам организмидан захарли ва радиоактив моддаларнинг пешоб ва тер орқали ташқарига чиқишини яхшилайди, қоннинг тозаланиб туришини таъминлайди. Бироқ чой тўғри ичилгандагина фойдали бўлишини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Деярли ҳамма овқатга қўшиб чой ичади. Чойнинг таркибидagi танин моддаси эса озуқа маҳсулотларда мавжуд бўлган фойдали моддаларни парчалаб юборади, натижада организмда витаминларнинг етишмаслиги юзга келади. Чой билан бирга истеъмоқ қилинганда гўш 40 фоиздан 100 фоизгача қонга сўрилмаслиги мумкин. Меваларнинг эса 5 фоиздан кўпи сўрилмайди. Умумий овқатларни оладиган бўлсак, чой билан истеъмоқ қилинган маҳсулот таркибидagi витамин ва темир моддасининг камида 70 фоизи сўрилмай қолади. Бу эса инсон саломатлиги учун салбий таъсирдир. Айни даврда дунё аҳолисининг кўп қисми камқонликдан азият чекмоқда. Бу касаллик асосан те-

мир моддасининг етишмаслиги оқибатида юзга келади. Темирга бой маҳсулотлар бўлмиш мева-сабзавот, кўкат, дуккаклиларни истеъмоқ қилиш анемия касаллигининг олдини олишга катта ёрдам беради. Аммо уларни чой билан истеъмоқ қилиш витамин ва темир-

нинг организмимизга тўлиқ етиб боришига тўсқинлик қилади.

Юртимизда кўп сонли аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар темир танқислигидан келиб чиқадиган касалликларга чалинаётгани туфайли кундалик истеъмоқ қиладиган нонимизга темир моддасини қўшиб, яъни унни бойитиш йўлга қўйилган. Бу камқонликка қарши кураш йўлларида биридир. Сиз нонни нима билан ейсиз? Албатта чой билан. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, темир моддаси мавжуд бўлмаган нонни ейиш билан баробар.

Яна кўпчилик ёш болага чой бериб хатоликка йўл қўяди. Уч ёшгача болаларга чой ичириш тиббиёт нуқтаи назаридан ман этилган. Болакайнинг чойига ёки сутига шакар қўшиб бериш ҳам нотўғридир. Болалар-

нинг ёшлигидан овқатланиш тартибига эътибор бериш лозим. Агар унинг организмда темир етишмовчилиги юз берса, бу кейинчалик ақлий ривожланишдан орқада қолиш хавфини ҳам тугдиради.

Саломатлик учун курашиш йўлида овқатланиш тартибимиз, айниқса чой ичиш аъёнларини ўзгартиришимизга тўғри келади. Овқат маҳали ёки овқатдан сўнг чой ичманг. Чой ўрнида бошқа ичимликлар, масалан, қайнаган ёки маъданли сув ва шартлар ичишингиз мумкин.

Бу маслаҳатлардан сўнг, чой соғлиқимиз кушандаси экан, деган фикр туғилмасин. Чойнинг организм учун аҳамияти катта. У қўллаб-қувватлаш учун даво бўла олади. Аммо асалнинг ҳам ози ширин. Чойга шифобахш ичимлик сифатида қараб, меъёрга ва вақтига кўра ичсак, саломатлигимиз учун фойдали. Овқатлангандан 30 дақиқа кейингина ичилган чой ёки қаҳва безарардир.

Чойнинг яна бир фойдали жиҳати шундаки, у ёғ ва холестерин моддаларининг қон томирлари деворига чўкишини камайтиради ва энг кўп тарқалган атеросклероз касаллигининг олдини олишга фойдали таъсир кўрсатади. Чойнинг юқорида айтилган фойдали томонлари айниқса, табиий қўқ чойда мавжуд.

Саломатлик ҳамма учун керак ва уни асраш ўз қўлимизда. Бу унчалик қийин эмас. Оддий қўринган нарсаларга чуқурроқ назар ташласангиз, барчасига эришасиз. Келинг, шу кундан эътиборан ҳар кунги чойимизга нисбатан янгича муносабатни шакллантирайлик.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим

Спорт

САНЖАРБЕКНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

Жорий йилнинг 19-23 июнь кунлари Москва шаҳрида таэквондо WTF бўйича паралимпиячилар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди.

Дунёнинг 70 та давлатидан жами 200 дан ортиқ спортчилар иштирок этган мазкур чемпионатда юртимиз шарафини Санжарбек Мухторов ва Қудрат Бакревлар ҳимоя қилишди.

Оғирлик вази 61 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида иштирок этган ҳамюртимиз Санжарбек Мухторов ярим финалда қадар кечган баҳсларни ғалаба билан якунлади ва жаҳон чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Санжар Мухторов Ўзбекистон паралимпиячилари орасида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича жаҳон чемпионатида соғирдор бўлган биринчи спортчимиз ҳисобланади.

Мусобақада ушбу вазн тоифасида туркиялик Меҳмет Сарач олтин, монғолиялик Шинбаяр Батбаяр кумуш медалларига эга бўлишди.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР
ИНСТИТУТИ
2014/2015 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА
ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН
ҚИЛАДИ**

Бакалаврият таълим йўналишлари:

Касб таълими (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси, автомобиль йўллари ва аэродромлар бўйича); Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича); Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича); Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича); Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича); Автомобиль йўллари ва аэродромлар; Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт иншоотлари турлари бўйича); Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлар бўйича); Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича); Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича).

Хужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан **1 август кuni** ўтказилади. Талабалikka танлов асосида қабул қилиш абитурientларнинг тест синовларида тўплаган балларига кўра Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шохқўчаси, 20-уй.

Телефонлар: (8371) 232-15-24, 232-19-25

XALQ BANKI

Аҳоли диққатига!
Давлат тижорат Халқ банки бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда чиқарилган 12 фоизли ички ютуқли заём облигациялари қабул қилинмоқда. Ушбу облигацияларни қабул қилиш 2014 йил 1 июлга қадар давом этади.

Агар Сизда заём облигациялар мавжуд бўлса, Халқ банкнинг туман ва шаҳар филиалларига белгиланган муддатгача топширишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон: 150-12-91

Хизматлар ишончли танланган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 27 июнь кuni ҳаво ўлчамлари туради, ёғин-гарчилик бўлмайди. Шаҳардан се-кундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи — 39-41 даражага иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27 ва 28 июнь эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз йиғилишига им-коният яратди, таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



1578010120001

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 656

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, chorshanба,
лайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11961 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ